O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.**


XDP
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 5-noyabr • Payshanba • 130 (30.090) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

**Мамлакатимиздаги кўплаб янги саноат корхоналари қаторига пойтахтимизда ишга туширилган «Asl Oyna» ОАЖ ҳам қўшилди.**





## «ASL OYNA» ИШ БОШЛАДИ

Мазкур корхонани замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашда Германиянинг «Heye international GmbH» компанияси иштирок этди. Бу компания шиша идишлар ишлаб чиқариш ва асбоб-ускуналар тайёрлашда пешқадам ҳисобланади. Янги корхонада рекуператорли шиша қайнатгич печи ўрнатилган, иш коэффиценти юқори. Шу билан бирга, энергия ресурсларини тежашни таъминлайди. Бу ерда хомашёни тайёрлаш, пишириш, ишлов бериш, қолипга солиш, сифат назорати, ҳатто қадоқлашгача бўлган жараён автоматлаштирилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё: қум, доломит, оҳак, кальцийлашган сода республикамизда кўп.

Эндиликда бу ерда турли ҳажмдаги, жумладан: 250-1000 граммгача бўлган консерва банкалари, 500 граммдан 750 граммгача ва фармацевтика соҳаси учун 200-400 граммли шиша идишлар тайёрланмоқда. «Asl Oyna» бир кеча-кундузда 250 минг дона, йилига эса 124,6 миллион дона идиш ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг эллик фоизини қўшни Туркманистон, Қозоғистон ва Озарбойжонга экспорт қилиш режалаштирилган.

— Корхонамизда 190 та янги иш ўринлари яратилди. Ишчиларимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Улар учун дам олиш, овқатланиш хоналари мавжуд, — дейди бош технолог Рустам Тоиров. — Яқинда йигирма нафар ёш мутахассислар Германияда таълим олиб, замонавий дастгоҳларни бошқариш амалиётини ўтаб келди. Бу эса ишимизни қийинчиликсиз, катта куч билан бошлашда қўл келди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати жаҳон андозалари талабига тўла жавоб беради: ўта нозик, бежирим ва қулай. Келгусида жамоа нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари, балки фармацевтика ҳамда ёғ-мой саноати эҳтиёжи учун ҳам турли ранг ва ҳажмдаги шиша идишлар ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**Умида МАНСУРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




Суратлар муаллифи Шавкат ҚАҲҲОРОВ.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

**Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.**

*(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 42-модда).*

Интеллектуал мулк, ихтирочилик ва инновация — иқтисодиёт тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан. Шу боис бу масалаларга оид патент ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлашга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу вазифалар эса, шубҳасиз, инновацион фаолиятнинг ривожи, уларни амалиётга самарали татбиқ этишга боғлиқдир.

Пойтахтимизда «Инновацион фаолиятни ривожлантиришда патентлар ва патент ахборотининг аҳамияти» мавзуида бўлиб ўтган семинарда шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқаро экспертлар, инновацион ташкилотлар вакиллари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— XXI аср иқтисодиётининг пойдеворини кўпроқ инсон илму тафаккури, билими мустаҳкамлайди, — дейди Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти вакили Сергей Зотин. — Табиий бойликлар эмас, балки айнан интеллектуал мулк мамлакатлар ривожида катта роль ўйнайди. Бу масалага Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан катта эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватланаётгани эътиборга лойиқ.

Семинарда янги техника ва технологияларни яратиш ва бозорга чиқаришда патентлар ва патент ахборотининг аҳамияти, шунингдек, бизнесдан келадиган даромадни ошириш, компанияларни стратегик ривожлантириш ва инновацияларни бошқариш мақсадида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва тижоратлаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Фракция фаолияти

## ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

### ёшларнинг сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини бойитди

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг талабалар билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир «Мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг такомиллашуви сайловнинг умумэътироф этилган демократик принциплари асосида ўтишини таъминлайди» деб номланди. Унда депутатлар партиянинг дастурий ғоя ва устувор вазифалари, бугунги кундаги фаолияти, сайловга тайёргарлик масалалари, сайлов қонунчилигига оид ҳужжатлар, уларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнлари хусусида сўз юритдилар. Мавзу юзасидан ёшлар билан мулоқот қилдилар.



— Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш, уларнинг эркин амалга оширилишини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан биридир, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуманноб Раҳимов. — Сайловлар демократик жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас қисми, аҳоли хоҳиш-иродасини ифода этишнинг асосий шаклидир. Давлат сиёсий тизимининг демократлилик даражаси ҳам, ўтказилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти ҳам, мамлакатнинг жаҳонда тутган обрў-эътибори ҳам кўп жиҳатдан сайлов тизимининг очиқлиги, ошкоралиги ва фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатланганлигига боғлиқ бўлади.

*(Давоми 2-бетда)*

***Истеъдодли болалар ижодини ривожлантириш, уларни кашф қилиш, мамлакат санъатидаги янги йўналиш ва ютуқларни юзага чиқариш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан анъанавий тарзда болалар ижодиёти фестивали ўтказиб келинмоқда.***

## ЯНГИ АВЛОД

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивалида туманлар босқичларида ғолиб чиққан 320 нафардан ортиқ жажжи ўғил-қизлар «Эстрада», «Мумтоз», «Ҳайкалтарошлик», «Тасвирий санъат» ва бошқа йўналишларда беллашди. Бу йилги фестивалда қизиқувчи ва иштирокчилар ўтган йилларга нисбатан анча ортганини эътироф этиш лозим. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан ёш истеъдодларнинг қобилияти баҳоланиб, ғолиблар фестивалнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ЎзХДП туман кенгашлари пленумлари

## ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ЗАРУР

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жалақудуқ, Қибрай туманлари ва Нукус шаҳар кенгашларининг пленуми бўлиб ўтди***

Жалақудуқ туман партия кенгаши пленумида бошланғич ташкилотлар ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари мажмуини амалга оширишдаги иштирокини янада фаоллаштириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар муносабати билан туман партия ташкилотининг вазифалари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш каби қатор масалалар кўриб чиқилди.

Таъкидландики, партия фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан электорат манфаати ҳимояси йўлидаги вазифалар амалий ишларда намоён бўлмоқда.

Эл ичида бўлиш, электорат билан яқин мулоқот ўрнатиш, муаммоларнинг ечимини топишда партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти муҳим аҳамият касб этаяпти. Фуқаролар бу ерга асосан нафақа, моддий ёрдам пули олиш, ишга жойлашиш каби масалаларда мурожаат қилишяпти. Ўтган давр мобайнида 375 фуқаро мурожаат этди, уларнинг аксарият аризаси ижобий ҳал қилинди, қолганлари назоратга олинди.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи жойлардаги муаммоларни кўтариш билангина чекланиб қолмай, балки уни ҳал қилиш юзасидан қатор ташаббуслар билан чиқмоқда. Депутат Арофатхон Икромова бошчилигида Тешиктош қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида иккита артезиан қудуғи ишга туширилиб, маҳаллаларда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаби қондирилди. Ойим қишлоғида ҳам худди шундай масала ўз ечимини топди.

Тумандаги Жанубий Оламушук шаҳарчасида анчадан буён муаммо бўлиб турган ичимлик суви таъминоти ва оқава сув муаммоси депутат Алижон Тошбоевнинг саъй-ҳаракати билан ечилди. Туман Кенгаши депутатлари Ойбек Иминов, Қудрат Ҳайдаров, Эгамберди Ўринбоевларнинг ҳаракати билан Ёрқишлоқ, Бештол қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига газ тармоғи уланиши лойиҳалаштирилиб, табиий газ таъминотида амалий ишлар қилинди. Ойим қишлоғида Ҳамидулло Ортиқов бошчилигида 18 километрли газ тармоғи қурилиши якунланди.

*(Давоми 2-бетда)*


MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI
ФУҚАРОЛИК БУРЧИ ВА МАСЪУЛИЯТИ 2


ҚИШЛОҚДАГИ КОЛЛЕЖЛАР 3


«ЯШАСИН ТАЪТИЛЛАР!» 4


O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

**Сайловлар — кучли фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.**

# ФУҚАРОЛИК БУРЧИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

***шу йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар жараёнида ҳар биримизда яққол намоён бўлиши зарур***

Сайловларни адолат мезонлари, қонунийлик тамойиллари асосида, демократик тарзда ташкил этиш ва ўтказиш фуқаролардан ҳам ўзига хос масъулият талаб этади. Сайловлар демократик андозаларга асосланган ҳолда ташкил этилиши, яъни, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланиши, сайлаш ва сайланиш жараёнларидаги эркинлиги тўлиқ кафолатланиши, ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибалари, халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари, менталитети, бой маънавий-маданий меросига таяниш зарур. Сайловларда қатнашиш жараёнида демократик руҳ ҳукмрон бўлиши, ҳамма ўз хоҳлаганича ёки билганича эмас, балки амалдаги ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя этган ҳолда иштирок этиши ниҳоятда муҳимлигини бир зум ҳам унутмаслигимиз керак.

Иккинчидан, сайловларнинг кўппартиявийлик асосида амалга оширилиши ҳам муҳим омил ҳисобланади. Кўппартиявийлик деганда, сайлов жараёнларида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларнинг иштирок этиши тушунилади.

*Албатта, сайловларнинг самарадорлигини таъминловчи, ижтимоий аҳамиятини юксак сиёсий савияда ўтишини белгиловчи муҳим мезон бу — кўппартиявийликдир.*

Шундай экан, сиёсий партиялар том маънода ўз электорати орасига кириб бориши, уларнинг хоҳиш-истакларини ҳис этишлари, халқ манфаатининг давлат ва жамият бошқарувида акс этишини таъминлашлари зарур. Фақат сайлов жараёнларидагина эмас, балки узлуксиз равишда халқ дарди билан яшаш, фаолият юритиш талаб этилади. Ана шунда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик шароити таъминланади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади, мамлакат равнақ топади. Энг муҳими, сайловларнинг ошкоралиги амалда намоён бўлади.

*Ошкоралик деганда, аввало, сайлов жараёнларидаги барча ҳаракатлар очиқ тарзда, қонуний равишда амалга оширилиши назарда тутилади.*

Бундан ташқари, сайловларда кузатувчиларнинг иштирок этиши ҳам ошкораликнинг яққол ифодасидир. Алоҳида эътироф этиш керакки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча сайловлар очиқ-ошкора ўтказиб келинган. Бу йилги сайловларда ҳам юқоридаги тамойилларга тўлиқ амал қилиниши шубҳасиз.

Сайловлар демократик тарзда амалга оширилишининг муҳим ва зарур шарти, аҳоли барча қатламининг унда фаол иштирок этишидир. Барча фуқароларнинг сайловларга қизиқиши, демократик танлов сифатида муносабатда бўлиши ва бундай сиёсий жараёнлар эртанги кунимиз учун муҳим аҳамият касб этишини чуқур ҳис қилган ҳолда унда иштирок этиши сайловларнинг юқори савияда ўтишини таъминлайди.

Сайловларда сайловчиларнинг фаол иштироки айни вақтда, жамиятдаги сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг юксаклигини намоён этади. Демак, сайловларнинг қай даражада ўтиши фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятига бевосита боғлиқ. Аҳолининг сиёсий тафаккурини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари етакчи роль ўйнайди. Оммавий ахборот воситалари орқали сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини изчил ёритиб бориш алоҳида аҳамиятга эга.

Албатта, мазкур сайловлар аввалги сайлов жараёнларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади, деган савол туғилиши мумкин.

Навбатдаги сайловлар аввалгиларига нисбатан юқори даражада сиёсий ва ҳуқуқий онгга, демократик руҳга асосланган ҳолда амалга оширилади. Чунки, мамлакатимиз фуқаролари йилдан-йилга сайловнинг жамият ҳаётидаги муҳим мезон эканини англаб, тушуниб бормоқдалар. Қарийб йигирма йилга яқин мустақиллик даврида халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга, давлат ва жамият бошқарувига муносабати тубдан ўзгарди, онгимизда демократик тафаккур илдиз отди ва шаклланди. Бунда, албатта, аввалги сайлов жараёнлари, уларнинг ташвиқот ва тарғиботи, хулосалари ҳамда сайлов қонунчилигининг такомиллашиб бораётгани алоҳида аҳамият касб этади.

*Мамлакатимиз ҳаётидаги сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар навбатдаги сайловларнинг янада такомиллашган қонунлар асосида амалга оширилишини таъминламоқда.*

Мамлакатда сайлов қонунчилиги янада ривожланди, такомиллашди. Буни 2008 йил 25 декабрдаги «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги билан ифодалаш мумкин.

Жамиятда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш билан боғлиқ амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатнинг тадрижий демократлашиб бориши, сайлов жараёнларида сиёсий партияларнинг иштироки ошишини таъминлайди. Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликнинг такомиллашгани уларни янада фаол ҳаракатланишга ундайди. Демак, шу йил охирида бўладиган сайловларда мамлакатимиз сиёсий партияларининг ўзига хос соғлом рақобати кузатилади.

Бу йилги сайловларда сайловчилар ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш институтининг бекор қилиниши ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Ушбу жараённи сиёсий партиялар учун яратилган яна бир имконият, деб баҳолаш мумкин. Фақатгина ўзининг дастури орқали жамоатчилик орасида маълум бир ўринга эга бўлган сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатилиши сиёсий кучлар ўз дастурларини амалда татбиқ этишига янада кенг имконият яратади. Бу фуқаролар сиёсий фаоллигининг ошишига хизмат қилади.

Сайлов қонунчилигининг такомиллашуви муносабати билан сиёсий партияларга сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунларга янги норманинг киритилиши сайлов амалиётида ўзига хос янгилик бўлди. Унга асосан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли. Ваколатли вакиллар овозларни санашнинг ҳаққонийлигини назорат қилади. Ушбу институт сайловларнинг янада адолатли ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Қонунчилик палатасига номзодлар ишончли вакиллари сонининг беш нафардан ўн нафарга оширилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларининг муваффақиятли кечишини таъминлайди. Ҳар бир сиёсий партия, номзоднинг имкониятлари, дастур ва ғояларини кенг очиб беришга хизмат қилади. Бундан ташқари, ишончли вакилларда сайлов округининг бутун ҳудуди бўйлаб сайловолди тарғиботни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос, очиқ, ошкора сайловларни ўтказишга имконият яратадиган, жамиятда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга хизмат қиладиган, замон талабларига жавоб берадиган демократик сайлов қонунчилиги такомиллашиб бормоқда.

*Фуқароларнинг сайлов жараёнида иштирокини таъминлайдиган қонунчилик жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маданий тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланди.*

Жаҳондаги илғор сайловлар тажрибалари асосида шаклланди ва улардаги энг муҳим ғояларни ўзида мужассамлаштирди. Сайлов жараёнларининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилиги, демократияни мустаҳкамлашга, фикр эркинлиги, ижобий тортишув асосида сиёсий ҳаётни қуриш ва уни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда сайлов қонунчилиги муайян маънода ўз ривожига, тараққиётига эришди. Бу борада ўзини шу юрт фуқароси деб билган ҳар қандай шахсга муайян масъулият юкланади. Ҳар биримиз қонунларни билишимиз, уларга риоя қилиш баробарида сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишимиз лозим. Зеро, бизнинг иштирокимиз, овозимиз ҳам ўзимиз, ҳам мамлакатнинг эртанги куни, тараққиёти учун муҳим омил ҳисобланади.

**Рустам РЎЗИЕВ,**
**ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, юридик фанлари доктори, профессор.**

# ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***ёшларнинг сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини бойитди***



Ўзбекистонда амалга оширилаётган босқичма-босқич демократик ўзгаришлар, аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий маданияти, фуқаролик жамияти институтларининг етуклик даражаси ўсганлиги ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи вакиллик органлари фаолиятини шакллантириш ҳамда ташкил этиш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг янада эркинлаштирилиши ва уларга киритилган ўзгартишлар эса ушбу жараёнларда сиёсий партияларнинг янада фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган.

— Ривожланишнинг изчил, босқичма-босқич ва тадрижий йўли Президентимиз томонидан яратилган ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўзбек моделига асос бўлган беш тамойилнинг биридир, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаббат Абдуллаева.** — Бу тамойилнинг рўёбга чиқарилиши тарихан қисқа даврда давлат ва жамиятни изчил ислоҳ қилиш имконини берди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда чинакам кўппартиявийликни ривожлантириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Сиз ёшлар бугунги кунда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори бўлишингиз зарур. Партиямиз сафида ана шундай ҳар соҳада фаол йигит-қизлар кундан-кун кўпайиб бораётгани бизни қувонтирмоқда. Чунки сизларга ишонамиз, таянамиз.



Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Маҳмуд Маҳкамов, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими ўринбосари Ибодулла Бердиев, ЎзХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси Нурмуҳаммад Қаршиев ва бошқалар мустақиллик йилларида юртимизда энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилганини алоҳида таъкидладилар.

Талабалар ўзларини қизиқтирган саволлари билан депутатларга мурожаат қилишди. Қизғин баҳс-мунозаралар бўлди. Шундан сўнг ЎзХДП ташкил топганининг 18 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ партия фаолларига «Фахрий ёрлиқ»лар ва сафимизга янги қўшилган йигит-қизларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

— Бугун ўзим танлаган партиям сафига қўшилганимдан жуда мамнунман, — дейди **ЎзМУ физика факультети талабаси Дилбар Шодиева.** — Чунки унинг дастурий мақсад ва вазифалари мени кўпдан буён қизиқтирарди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини ҳимоя қилиш, уларга жамиятда ўз ўрнини топишида кўмак бериш каби ғояларни илгари суриб келаётгани менга жуда маъқул тушганди. Кузатишларимга қараганда партия фаоллари ушбу масалаларда амалий ишларни изчиллик билан олиб бормоқда. Энди мен ҳам шу сафда бўлиб, партиянинг обрўси ва тарафдорлари ошиши учун курашишга тайёрман.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ЗАРУР

Халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган бошқа депутатлар ҳам кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП дастурий мақсад ва вазифалари, электорат манфаатидан келиб чиқиб, Жалақудуқ туман партия ташкилоти, депутатлик гуруҳининг бу борадаги ишларини янада такомиллаштириш, сайловларга оид қонунлар тарғиботи, шунингдек, сайловга тайёргарлик тадбирларини кучайтириш хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши пленумида ҳам юқоридаги каби масалалар муҳокама этилди. Партия кенгаши раиси Саденбай Нурманов партия дастурий мақсадларини амалга оширишда қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар, хатоларни ҳам аниқ мисоллар асосида таҳлил қилди. Сайловолди кампаниясини самарали ўтказиш чоралари ҳақида мулоҳаза юритди.

Сўзга чиққан шаҳар Кенгаши депутати Жалғас Айтжанов, шаҳар халқ таълими бўлими бошланғич партия ташкилоти раиси, шаҳар Кенгаши депутати Бибисора Юсупова таълим, саломатлик, маданий-маиший соҳаларда, шунингдек, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги айрим муаммолар ҳамда уларни ҳал этишда партия ташкилоти, депутатлик гуруҳининг иштирокини кучайтириш юзасидан таклифларини билдирдилар. «Жеткиншек» газетаси бош муҳаррири Гулнора Нурлепесова ёшлар, айниқса, хотин-қизларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, бандлигини оширишда олиб бораётган амалий ишларни кучайтириш масалаларига тўхталди.

**Реймбай ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Қибрай туман кенгашининг пленумида туман партия кенгаши раиси Иброҳим Саидов маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, 2004 йилда бўлиб ўтган сайловлардан кейинги ўтган давр туман партия ташкилоти фаолиятида турли ижтимоий вазифаларни ечишда фаол иштирок этиш, электоратни ташвишга солаётган масалаларни депутатлик гуруҳи ваколатларидан фойдаланиб ҳал этиш борасида муайян тажриба тўпланди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳам партия фаоллари ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Дастурда аҳолининг турмуш маданиятини ошириш, кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Ҳомийлик маблағлари ва бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг имтиёзли кредитлари ҳисобига 10 та кам таъминланган оилани бир бошдан қора мол билан таъминлаш, юз нафардан ортиқ ногиронни протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш орқали 447 та иш ўрнини ташкил этишда партиямиз фаоллари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда. Яқинда қабул қилинган «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари мажмуи ва бандлик маҳаллий дастурини бажаришда Ўзбекистон ХДП Қибрай туман ташкилотининг амалий иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари дастури» асосида бу борадаги ишлар янада кучайтирилмоқда.

Шунингдек, пленумда сайловолди кампанияси тадбирларини изчиллик билан ташкил этиш, сиёсий рақиблар билан курашда муносиб иштирок этиш масалалари юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу борада Қибрай шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, туман Кенгаши депутати Бахтиёр Усмонов, Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгаши раиси, халқ депутатлари Қибрай туман ва Тошкент вилоят Кенгашлари депутати Дилором Салимова, туман тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилоти раиси Гули Тўхтаева ва бошқалар батафсил фикр юритдилар.

✧✧✧

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бошқа туман, шаҳар кенгашларининг ҳам пленумлари бўлиб ўтди. Пленумларда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига партиямиздан номзодлар кўрсатиш ҳамда кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Асли КАМОЛ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Мен нега ЎзХДПни танладим?**

# САФИМИЗДА ЁШЛАР КЎПАЙМОҚДА

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганининг 18 йиллиги арафасида Бухоро вилоят партия кенгашида бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Сафимизга қўшилган ёшлар тантанали маросимдаги ҳаяжони, эндиги масъулиятлари ҳақида ўз фикрларини изҳор этди.***

**Равшан РАСУЛОВ,**
***Бухоро шаҳридаги 48-маҳалла посбони:***

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, кечаётган сиёсий жараёнларга биз, ёшлар бефарқ эмасмиз. Зеро, бу ишлар аввало, маҳалладан бошланади. Мен фаол сиёсий куч — ЎзХДП сафида туриб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнимни топишга қарор қилдим.

**Ўғилой БОЗОРОВА,**
***Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси:***

— Партия дастурида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилган, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш борасидаги вазифалар белгиланган. Бу масала бошқа партияларнинг дастурларида унчалик мукаммал даражада акс этмаган. Жумладан, партия дастурида ёш авлодни тарбиялаётган ўқитувчилар партиянинг асосий таянчи эканлиги ҳақида сўз юритилади. Ана шуларни эътиборга олиб, ўзининг амалий ҳаракатлари билан халқ орасида нуфузи ошиб бораётган ЎзХДП аъзоси бўлдим. Бунинг масъулиятини ҳам яхши тушунаман, албатта.

**Фарида ТЎРАЕВА,**
***Пешку туманидаги «НорОлимОрзу» фермер хўжалиги аъзоси:***

— Очиғини айтсам, қайси партияга аъзо бўлиш ҳақида кўп бош қотирдим. Партиялар орасида менга ЎзХДП Дастури маъқул бўлди. Сабаби, унда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ ижтимоий масалаларга эътибор қаратилган. Бу борада туманимизда партия кенгаши кўплаб ишларни амалга ошираётганининг гувоҳиман. Қолаверса, ЎзХДП ёшларга катта эътибор қаратиб, уларга таяниб фаолият юритади.

✧✧✧

Шунингдек, «Ипотека-банк» вилоят филиали бўлим бошлиғи Нурали Ҳайдаров, Ғиждувон туман автомобиль департаменти ходими Юлдуз Шодиева ва бошқалар ҳам ЎзХДП сафида туриб, унинг обрў-эътибори янада ортишига ҳисса қўшишга, мамлакат сиёсий ҳаётида фаол қатнашишга қатъий аҳд қилганликларини таъкидладилар.

Кўзларидан нур чақнаб турган, ғайрату шижоати жўш ураётган бу ёшлар ҳамда уларнинг кўплаб тенгдошлари партиямиз сафини янада мустаҳкамламоқда. Буларни кўриб Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ёшлар орасидаги обрў-эътибори янада ортиб бораётганига ишонч ҳосил қиласан, киши.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОҚТОШ ОБОД БЎЛМОҚДА

*Бахмал тоғлари бағрида жойлашган Оқтош қишлоғида 4,5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан «Қишлоқ-қурилишлойиҳа» институти, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси, «Қишлоқ қурилиш банки», Сирдарё ҳамда Жиззах вилояти ҳокимликлари ташаббуси билан Гулистон шаҳрида ўтказилган замонавий қишлоқ лойиҳалари кўргазмасида қатнашган ушбу қишлоқ вакиллари иқлим ва географик жойлашувига мос лойиҳалардан бирини танладилар. Айни пайтда ана шу лойиҳа асосида 20 та тўрт хонали янги уй қурилиши бошлаб юборилди.*

*— Оқтошимиз янаям обод бўлади, — дейди 71 ёшли Нурали бобо Сайфуллаев. — Қишлоғимизда замонавий гузар, спорт мажмуаси, мактаб, ҳаммом, савдо марказлари, маиший ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари ҳам барпо этилади.*

**(Ўз мухбиримиз)**

**Диққат: синов-тажриба!**

# ИЖТИМОИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТАРҚАТИШДАГИ ҚУЛАЙЛИК

***Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб Халқ банкининг Тошкент вилояти муассасалари орқали фуқароларнинг пенсия, ижтимоий нафақа ва компенсация тўловларини тарқатилиши бўйича тайёргарлик кўриш ва тажриба ўтказиш лойиҳаси амалга оширилаяпти. Фуқароларимизга ижтимоий тўловларни етказишни янада такомиллаштиришга қаратилган мазкур тажриба ўз самарасини бераяпти.***

*Мухбиримиз Республика Халқ банкининг Тошкент вилоят филиали раҳбари Бекмурод ҚЎЧҚОРОВ билан учрашиб, ушбу янгилик аҳамияти ҳақида суҳбатлашди.*

**— Аввало, мазкур тўловларнинг янги тартиби қандай самара бераётгани, унинг афзалликлари ҳақида тўхталсангиз.**

— Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мустаҳкам тизими шаклланди. Бу ҳолат амалдаги ижтимоий ҳимоялаш тизими орқали намоён бўлди. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ҳимоялаш тизимини замонавийлаштириш, такомиллаштириш мақсадида ушбу тажриба синов тариқасида Тошкент вилоятида жорий этилди.

Халқ банки республикада фаолият кўрсатаётган энг йирик тармоққа эга бўлган банклардан бири. Банкнинг филиалларидан ташқари шохобчалари, шунингдек, махсус кассалар фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, аҳолига қулайлик яратиш, кўрсатилаётган хизматларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш мақсадида сайёр кассалар, сайёр банклар хизмат кўрсатишини таъминлаб келяпмиз.

Вилоят бўйича пенсия, ижтимоий нафақа ва ойлик компенсация пулларини олувчилар сони 351133 кишини ташкил қилади. Халқ банкида ҳар бир фуқаро учун шахсий ҳисоб рақами очилиб, маблағ киритилиб, накд пул билан таъминланади. Бу орқали банкдаги кундалик мониторинг хулосаларини олиш мумкин. Неча нафар фуқаро маблағини ўша куни олганлиги ҳақида кундалик баланс чиқади. Биз бу билан кирим-чиқимларни назорат қила оламиз.

Жорий этилган янги тизим орқали ижтимоий тўлов олувчилар учун қатор қулайликлар яратилди. Мисол учун агар фуқаронинг уйига уч марта излаб борилганда ҳам у бўлмаса маблағ банкда очилган шахсий ҳисоб рақамига тушади. Муддатида олмагани боис фоиз тўланади. Фуқаро истаган пайтда ўз маблағини касса чиқим ордерига имзо чекиш орқали олиб кетиш ҳуқуқига эга.

**— Янги жорий этилган синов-тажрибани вилоятда ўтказиш катта масъулият талаб этади, албатта. Ушбу жараёнда банк томонидан аҳолига қандай қулайлик ва хизмат турлари таклиф қилинмоқда?**

— Айнан Халқ банкининг Тошкент вилояти филиалларида янги тартиб жорий этилгандан сўнг «Нуроний», «Фаровонлик» омонат турларини амалиётга татбиқ қилдик. Бундан ташқари, тўй-маъракаларни ўтказиш, сиҳатгоҳларда даволаниш учун истеъмол кредитлари ҳам берилаяпти. Энг муҳими, қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмайди. Фақат биргина ариза ёзишнинг ўзи кифоя.

Ижтимоий тўлов олаётган ҳар бир фуқарога шахсий ҳисоб рақами очилгани уларга банк хизматларидан кенг кўламда фойдаланиш имкониятини бераяпти. Айтайлик, жойларда коммунал тўловлари, бошқа кўрсатилган хизматлар ёки харид қилинган товарлар учун банкдан очилган ҳисоб рақамлари фуқароларимизга қулай бўлган вақтда ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини туғдиради. Ҳаттоки, фуқароларимиз махсус шаклдаги банк қоғозларини тўлдирганларидан кейин банкка келмасдан туриб лозим бўлган тўловларни ўз вақтида амалга оширишлари мумкин.

**— Бу кенг қамровли тажриба ўз навбатида ишга янгича ёндашишни ҳам талаб этади. Шу боис, банк тизимида қандай ташкилий ишлар амалга оширилди?**

— Албатта, мазкур синов жараёни муносабати билан Халқ банки шохобчалари иш фаолияти қайта кўриб чиқилди. Вилоятимиз аҳолиси ва пенсионер фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ҳудудларда, қишлоқ жойларда ҳозир мавжуд бўлган 167 та шохобчага қўшимча равишда 156 та шохобча ташкил қилинди. Шунингдек, вилоят бўйича ишлаётган 232 нафар кассир ходимлар билан бирга, яна 458 нафар ходимлар ижтимоий тўловларни тарқатиш бўйича ишга жалб қилинди. Тўловларни ўз вақтида уйларига етказиш бўйича ва уларнинг талабларини қондириш мақсадида мавжуд 22 та автоуловга қўшимча равишда яна 40 та автоулов жиҳозланиб, инкассия йўлга қўйилди. Бундан ташқари, пенсия пулларини фуқароларга етказишда янги ташкил этилган шохобчалардан 64 тасида икки сменали иш ташкил этилиб, иш вақти узайтирилди. Ҳудудларда, аҳоли гавжум жойларда шохобчалар соат кечки 21 дан 22 гача фаолият юритадиган бўлди. Ходимларимизнинг ўртача иш ҳақлари 1 июлдан бошлаб оширилди. Фуқароларимиз билан хушмуомала бўлиш, нафақаларини ўз вақтида етказиб бериш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

**Суҳбатдош: Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ҚИШЛОҚДАГИ КОЛЛЕЖЛАР

**Баркамол авлод орзуси**




***Яқинда Ургут туманининг Терсак ва Испанза қишлоқларида компьютер технологиялари ҳамда агротадбиркорлик ва сервис коллежлари қуриб фойдаланишга топширилди.***

— Билим юртимиз тоғли ҳудудда жойлашган бўлиб, айни пайтда бу ерда 180 нафар талаба тўртта йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Уларга 50 нафар педагог таълим-тарбия бермоқда. Моҳир муаллимлар ёшларга компьютер тармоқлари ва офис жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш, компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш ва уларнинг дастурий таъминоти, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда тикувчилик сир-асрорларини ўргатишмоқда, — дейди Компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи директори Исомиддин Каримов.

— Коллежимиз 815 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 390 нафар ўқувчи олтита йўналиш бўйича таҳсил олаяпти. Таълим муассасасида чорвачилик ва деҳқончилик фермер хўжаликларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини ишлатиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш, ветеринария, радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, тикувчилик ва ишлаб чиқариш ҳамда синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланаяпти, — дейди Агротадбиркорлик ва сервис коллежи директори Облаберди Маҳмудов.

Ҳар иккала коллежда ўқиш, спорт билан шуғулланиш, дам олиш учун барча шароитлар яратилган.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ.**

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат.**




**Афғонистон президенти Ҳамид Карзайнинг президент сайловидаги асосий рақиби, мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла 7 ноябрга белгиланган иккинчи тур президент сайловида иштирок этишдан воз кечди.**

## ИККИНЧИ ТУР САЙЛОВИ

### *7 ноябрда ўтади*



Маълумки, шу йилнинг 20 августида Афғонистонда президент сайлови бўлиб ўтган ва Марказий сайлов комиссияси бюллетенларни ҳисоб-китоб қилиб, Ҳ. Карзай 55 фоиз, А. Абдулла эса 31,7 фоиз овоз олганлигини эълон қилган эди. Аммо сайлов натижалари юзасидан ариза ва шикоятлар кўпайганлиги боис Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенларини қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқишга мажбур бўлди.

Италиянинг «Le Stampa» газетаси хабарига кўра, 447 та сайлов участкасидаги сайлов натижалари бекор қилинган. Негаки, айрим бюллетенлар сохта, деб топилган. Қайта ҳисоб-китоб натижаларига кўра, Ҳ. Карзай балки 49,67 фоиз овоз олган. Шу важдан иккинчи тур сайлови 7 ноябрга белгиланганди.

## ОММАВИЙ ОЧАРЧИЛИК

### *хавф солиб турибди*

***Эфиопия ҳукумати ўлкада 5 йилдан бери давом этаётган кучли қурғоқчилик боис оммавий очарчилик юз беришини ҳисобга олиб, халқаро ҳамжамиятга расмий мурожаат этди ва озиқ-овқат кўмаги сўради.***

«Daily Nation» АА хабарига қараганда, доимий тўйиб овқат емаслик оқибатида 6 миллиондан ортиқ кишининг ҳаёти хавф остида турибди.

Эфиопия қишлоқ хўжалиги вазири Митику Кассанинг айтишича, аҳолини очарчиликдан қутқариб қолиш учун 121 миллион долларлик озиқ-овқат керак. Айниқса, мамлакатнинг шимолий ва шарқий ҳудудлари аҳолиси қурғоқчиликдан жиддий азият чекмоқда.

Болаларнинг очликдан нобуд бўлишининг олдини олиш учун айни дамда тезкор ҳолатда 9 миллион доллар миқдорида маблағ керак.

Бундан 25 йил аввал ҳам мамлакатда кенг миқёсли очарчилик юз берган ва ўшанда 1 миллиондан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган эди.



Британиянинг «Oxfam» жамғармаси директори Пенни Лоуренснинг гапларига қараганда, Эфиопияга халқаро ташкилотлар фақат озиқ-овқат ёрдамини кўрсатиши самара бермаяпти. Шу боис бугунги кунда айнан ўша ернинг ўзида доимий чораларни қўллаш заруратга айланган.

Уларда ҳалигача ҳал этилмаган муаммолар бор — ернинг унумдорлиги йўқолган, тупроқлар заифлашган ва ҳосилдорлигини йўқотган, шу боис ёмғирли мавсумда ҳам юқори ҳосил олиб бўлмайди. Бунинг устига қурғоқчилик ҳукм сурмоқда. Ижтимоий муаммолар, зироатчилик маданиятининг пастлиги, хорижий инвестициянинг йўқлиги ҳам очарчиликка сабаб бўлмоқда.

## ЎРМОНЧИЛИК РИВОЖИ

### *ҳаёт мувозанатининг муҳим зарурати*

Буэнос-Айрес шаҳрида БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти шафелигида ўтган, 160 та мамлакатдан 7,2 минг нафар делегат иштирок этган XIII бутунжаҳон ўрмончилик конгрессида «Ўрмончилик ривожи: ҳаёт мувозанатининг муҳим зарурати» шиори ўртага ташланди.

«Новости» АА хабар қилишича, конгресс доирасида ташкил этилган ялпи мажлис, семинар ва давра суҳбатларида сайёрамиз ўрмонлари шафқатсизларча кесиб, йўқ қилинаётгани, уларни асраш ва улардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бутунжаҳон ўрмончилик конгресси 1926 йилдан бери ҳар 6 йилда бир чақирилади. Шу кунгача у Италия, Венгрия, Финляндия, Ҳиндистон, АҚШ, Испания, Аргентина, Индонезия, Мексика, Франция, Туркия ва Канадада бўлиб ўтган. Кейинги форум Ҳиндистон ёки Жанубий Африка Республикасида ўтказилади.

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

***2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича***

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Объект номи ва манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС сиз | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Самарқанд шаҳрида Самарқанд Архитектура ва қурилиш институти қошидаги 1-сонли академик лицейга 100 ўринли ётоқхона қурилиши | 868 656 523 сўм | 723 880 435 сўм | 7 ой |
| 2. | Самарқанд шаҳрида Самарқанд давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейга 200 ўринли ётоқхона қурилиши | 1 123 197 452 сўм | 935 997 877 сўм | 7 ой |
| 3. | Самарқанд вилояти, Ургут шаҳрида Самарқанд давлат университети қошидаги 3-сонли академик лицейга 100 ўринли ётоқхона қурилиши | 810 690 327 сўм | 675 575 273 сўм | 7 ой |
| 4. | Самарқанд шаҳрида Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институти қошидаги 4-сонли академик лицейга 200 ўринли ётоқхона қурилиши | 1 120 624 068 сўм | 933 853 390 сўм | 7 ой |
| 5. | Самарқанд шаҳрида Самарқанд Тиббиёт институти қошидаги 1-сонли академик лицейга 200 ўринли ётоқхона қурилиши | 1 120 624 068 сўм | 933 853 390 сўм | 7 ой |
| 6. | Самарқанд шаҳрида Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 2-сонли академик лицейга 100 ўринли ётоқхона қурилиши | 780 738 904 сўм | 650 615 753 сўм | 7 ой |
| 7. | Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳрида Самарқанд давлат чет тиллари институти қошидаги 2-сонли академик лицейга 100 ўринли ётоқхона қурилиши | 804 145 394 сўм | 670 121 162 сўм | 7 ой |

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Академик лицейлар қуриш Республика Инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Тошкент шаҳри, Зиё (аввалги А.Саидов) кўчаси, 76-уй,

**телефон:** (8-371) 227-11-84.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона.**

**Тел:** 231-13-51, **факс:** 233-32-00.

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида** соат 10-00 да ўтказилади.

III Осиё ўйинлари: ///

# МЕДАЛЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

**Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ёпиқ иншоотларда ўтказилаётган III Осиё ўйинлари давом этмоқда.**

Мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг 43 давлатидан 2600 нафардан зиёд спортчи 26 турда ғолиблик учун курашмоқда. Унда юртимизнинг саксон тўрт нафар вакили футзал, кураш, муай-тай, сузиш, енгил атлетика, боулинг, спортча рақс, стиртбол, пенчак-силат каби турларда ғолиблик учун майдонга чиқишмоқда.

Футзал бўйича эркаклар терма жамоамиз гуруҳ босқичини юз фоизлик натижа билан якунлаб, чорак финалга йўлланма олди. Улар кетма-кет иккита ўйинда бир хил йирик ҳисобда (4:1) зафар қучишди. Аввалига Жанубий Корея, сўнгра қувайтлик футзалчилар доғда қолдирилди. Энди эса олдинда янада жиддий бўлган чорак финал баҳси кутиб турибди. «В» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган японияликлар энди плей-оффда ҳамюртларимизга рақиб бўлади.

III Осиё ўйинларининг дастлабки медали ҳамюртларимиздан биринчи бўлиб, енгил атлетикачимиз Гўзал Хуббиевага насиб этди. У 60 метрга югуриш баҳсларида маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медаль билан тақдирланди. Ўз жамоадошининг муваффақиятидан руҳланган енгил атлетикачиларимиз Надежда Дусанова, Леонид Андреев ҳамда Юлия Тарасовалар ҳам шоҳсупага кўтарилишди.

Эътиборлиси, III Осиё ўйинларида кураш бўйича бешта вазн тоифасида эркаклар ва аёллар ўртасида медаллар учун беллашувлар ўтказилмоқда. Олинган маълумотларга қараганда, ҳозирча мусобақа дастуридан жой олган икки вазн тоифасида ғолиблар аниқланган. Жумладан, ўз вазн тоифаларида ҳамюртларимиздан Ўктам Бобоев (73 кг.) кумуш ҳамда Элбек Очилов (66 кг.) бронза медалига сазовор бўлишган.

III Осиё ўйинлари 10 ноябрь куни якунланади.

**Эркин ХОЛБОБО**

SPORT

## Болалик байрамлари



# «ЯШАСИН ТАЪТИЛЛАР!»

## фарзандингиз мактабдан бўш вақтини қандай ўтказади? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

***Ота-оналарнинг янги ўқув йили бошланишида ширин ташвишлар билан елиб-югурганлари яқингинада эди. Бир зумда мактабларимизда ўқиш ва ўқитишнинг биринчи чораги ҳам тугабди. Бир сўз билан айтганда, бугун республикамизда мактаб ўқувчиларининг кузги таътили бошланди.***

Ҳар куни, «узо-о-оқ» давом этадиган ўқиш ҳам ақлий меҳнат сирасига киради, бола организми ҳафтасига бир кунлик одатий дам олиш кунидан кўпроқ ҳордиққа эҳтиёж сезиши табиий. «Яшасин таътиллар!» — энг аълочи, ўқишга жуда берилган бола ҳам шу фикрни айтиши тайин. Афсуски, бола дам олишини ташкил этишнинг масъулиятини ҳис қиладиган барча ота-оналар, айниқса, кун бўйи ишда бўладиганларнинг ҳаммаси ҳам бу мавсумни кўнгилдагидек ўтказолмайди. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини турли тўгарак, тадбирда иштироки, театр-музейларга сайр-саёҳатида албатта катталар кўмаги зарур. Ҳар қалай, мактаб психологлари ота-оналар билан суҳбатда таъкидлаганларидек, бутун таътил давомида фарзандингизнинг уззу-кун телевизор ёки компьютер қаршисида ўтирганидан кўра, турли маданий тадбирларда иштирок этиши, очиқ ҳавода кўпроқ сайр қилиб, жонли табиат билан бевосита мулоқоти таътилдан кўзланган натижаларни беради.

Таътилни уюштириш асосан мактабнинг иши деб ҳисоблайдиганлар эса фарзанди таълим олаётган маскан раҳбарияти ва ўқитувчилари ёрдамига таяниши мумкин.

— Кузги таътилни мазмунли ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, — дейди Республика Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси етакчи назоратчиси Хайриддин Бойиров. — Бу режада республикада мавжуд 9769 умумтаълим мактабларида учрашувлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ўтказилишидан тортиб, ўқувчиларни мактабдан ташқари турли таълим муассасаларига, тарихий обида ва музейларга саёҳатини уюштиришгача белгиланган. Албатта, уларни амалга ошириш учун жойларда етарли шароит бор. Бунда ота-оналар ва ҳомийлар кўмаги ҳам катта аҳамият касб этади.

Маданий масканлар ҳам таътил даврида ўз фаолиятларининг ранг-баранглиги ва мукаммаллигига эътибор қаратишади.

— Умумтаълим мактаблари билан мунтазам алоқада бўламиз, — дейди республика Ёш томошабинлар театри директори ўринбосари Баҳром Усмонов. — Тошкент вилояти туманларидан ҳам гуруҳ-гуруҳ томошабинлар келишади. Кузги таътил мобайнида ҳар куни спектакль намойиш қилинади.

Шунинг билан бирга, болалар, ота-оналар бизни янада кўпроқ «безовта» қилишини истардик. Томошаларимиздан чиқиб, ёнидаги катталар билан нималарнидир чуғур-чуғур муҳокама қилаётган болаларга кўзим тушар экан, театрнинг тарбиявий ролини тушунадиган ота-оналар сафи кенгайишини ич-ичимдан истайман...

Қишлоқ жойларида-чи, шаҳардаги цирк, музейлар йўқ-ку, деган ўринли савол кўндаланг бўлади. Яна мактаб жамоаси ва ота-оналар саъй-ҳаракатига умид боғлашга тўғри келади. Туман марказидаги маданий марказга ташриф ҳам, шундоқ қишлоғингиз ҳудудидаги тарихий обидага саёҳат ҳам фарзандингизга ёрқин таассуротлар ҳадя этади. Бундан ташқари, уй юмушларини ҳам озгина фантазия ва рағбатлантириш эвазига кўнгилли машғулотга айлантириш мумкин.

Жонли табиат билан мулоқот борасида эса қишлоқ болаларининг имкониятлари кенгроқ.

— «Сурхон» қўриқхонасининг макетини ўқувчиларим билан биргаликда тайёрлаганмиз, — дейди Сурхондарё вилояти Шеробод тумани халқ таълими бўлими қошидаги «Биоэкосан» ўқув-услубий маркази раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Бўри Раҳимов. — Болалар тўгаракларда олган билимларини табиат қўйнига саёҳатда амалда кўриб қўллайдилар. Фарзандларимизнинг ҳайвонот дунёсига қизиқиши ва меҳри биз ўйлагандан ҳам кўпроқ. Ҳовлимдаги юзга яқин турли хил қушларни марказимиз аъзолари билан парвариш қиламиз. 3-умумтаълим мактаби билан ҳовлимиз девори битта, ўртадан эшик очиб қўйганман. Ўқувчилар ҳатто қарғани гапиришга ўргатишди. Ўн бир ёшли қарға ҳозир «Ассалом» ва «хайр»дан бошлаб ўнлаб сўзларни тиниқ талаффуз қила олади. Таътил кунлари эса марказимиз янада гавжумлашади. Бу кунлари «Олтин куз» ва «Меҳржон» байрамларимиз давом этади.

Хуллас, таътилдан ёрқин ва яхши таассуротлар билан келган боланинг кейинги ўқиш жараёнида албатта ижобий ўзгаришлар бўлади. Ишонмасангиз, синаб кўринг. Фақат, бунинг учун севимли фарзандингизнинг кузги таътилини мароқли ўтказиши учун, аввало, ўзингиз жон куйдиришингиз зарур бўлади...

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Мамлакат манзаралари

# ОЛТИН КУЗНИНГ ОДДИЙ КУНИДА

Олтин кузнинг оддий куни. Дов-дарахтларнинг япроқлари тилларанг тус олган. Ҳавода мезонлар сузиб юрибди. Бундай пайтда деҳқонларнинг ташвишлари кўпаяди. Улар меҳнатларининг меваси — пишиб етилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш пайида бўлишади.

Шундай кунларнинг бирида Пахтакор туманига қарашли Самарқанд қишлоғида бўлдик. Оддийгина қишлоқ. Айтишларича, бу масканда 6650 нафар аҳоли яшайди. Аксарият қишлоқлардаги сингари мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, коллеж, қишлоқ врачлик пункти, дўконлару ошхоналари бор.

— Қишлоғимиз 1966 йилда ташкил бўлган, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Усмонова. — Шу боис ҳам табиий газ, ичимлик суви тармоқлари эскириб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолганди. Мактаб, болалар боғчаси, амбулатория бинолари ҳам таъмирталаб ҳолга келганди. Кўчаларимиз ўйдим-чуқур бўлиб, қишда лой, ёзда чанг-тупроқ билан қопланардики, бундай ҳолат фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди. Вазиятни ўнглаш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш зарурлигини ҳис қилиб турардик. Лекин бу ишларни қандай бошлаш, нима қилиш, қайси маблағлар ҳисобига бажариш зарур, деган саволлар ҳар гал бизни ўйлантириб қўярди.

Маслаҳатли тўй тарқамас, деганларидай бу борада фаоллар, оқсоқоллар билан обдон маслаҳатлашилди. Кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқиб, қишлоқ қиёфасини ўзгартиришга келишиб олишди. Бу ишга ҳар ким ўз ҳиссасини қўшадиган, кимдир маблағи билан, бошқалар маҳсулот ҳисобида, яна бировлар меҳнатлари билан ёрдамлашадиган бўлишди.

— Кўпдан қуён қочиб қутула олмас экан, — дейди оқсоқоллардан бири Абдусаттор Бобоёров. — Лойсувоқ уйлар, қўшимча бинолар бузиб ташланди. Ўрнида бош режа асосида шинам, замонавий, пишиқ уй-жойлару ёрдамчи бинолар қад ростлади. Кўча ва хиёбонлар, йўлаклар тартибга келтирилди. Давлат маблағи ҳисобига мактаб ва болалар боғчаси бинолари реконструкция қилинди, янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Булардан ташқари касб-ҳунар коллежи, ўнлаб янги дўконлар, умумий овқатланиш шохобчалари ишга туширилди. Шу тариқа 3-4 йил ичида қишлоғимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Очиғи, бундан 5-6 йил олдин қишлоғимизга келган меҳмон бугун уни танимаслиги аниқ.

Шу куни қишлоқ чеккасида қурилган янги уй-жойлардан бирида бўлдик. Саккиз хонадан иборат уй пишиқ ғиштдан барпо этилган. Меҳмонхона, болалар ва катталар учун алоҳида-алоҳида хоналар, дарс тайёрлаш, овқатланиш хоналари кенг, ёруғ, озода ва шинам. Улар замонавий мебеллар, чўғдай гилам поёндозлар билан жиҳозланган. Ҳовлининг бир четида ошхона ва ҳаммом, этакда эса молхона. Тартиб билан экилган дов-дарахтлар, турфа хил гуллар ҳовлининг кўркига кўрк қўшиб турибди.



— Мактабгача тарбия муассасида ишлайман, — дейди хонадон соҳибаси Ойлар Қиличева. — Турмуш ўртоғим билан 4 нафар фарзандимизни тарбиялаб, ўстираяпмиз. Шу уй-жойни қуриб, кўчиб ўтганимизга икки йил бўлди. Сут-қатиқ ўзимиздан чиқади, сабзавот сотиб олмаймиз. Булар ўз навбатида оиламиз бюджетига каттагина фойда келтираяпти. Яхши томони, қишлоғимизда бундай уй-жойлар йилдан-йилга кўпаймоқда.

Боғ қўйнида қад ростлаган замонавий қишлоқ врачлик пунктини кўриб, очиғи, ҳавасимиз келди. Барча қулайликларга эга, сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган бундай саломатлик муассасаси шаҳардаги поликлиникадан қолишмайди:

— Фуқароларимиз тоби қочиб қолганда 30-40 чақирим йўл босиб, туман марказидаги шифохона ёки поликлиникага қатнаш ташвишидан қутулишди. Шу ернинг ўзида ташхис қўйиш, дастлабки малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, зарур тақдирда даволаниш имкониятлари бор. Теварак-атрофнинг сўлим ва орасталигини қаранг! Кўнглингиз яйрайди, — дейди катта ҳамшира Матлуба Исломова.

Ўтган йили реконструкция қилинган мактаб ва болалар боғчаси бинолари ҳамда шу йил ишга туширилган касб-ҳунар коллежида бугун қишлоқдаги 670 нафардан кўпроқ ўғил-қизлар таълим-тарбия олишяпти. Ушбу даргоҳларда жами 136 нафар ўқитувчи ва мураббийлар меҳнат қилишмоқда. Фан кабинетлари, лабораториялар, спорт зали, ёрдамчи хоналарда зарур барча шарт-шароитлар яратилганлигидан болалар ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд.

— Биз бир вақтлар ўқиган мактаблар билан бу билим масканларининг фарқи осмон билан ерча, — дейди 69 ёшли Ҳасан Бобомуродов. — Девори гуваладан бўлган, томи лойсувоқ, қишда томчи ўтиб, совуқдан қўлларимиз яхлаб қолаёзган каталакдай синфхоналарда ўқиганмиз, десам невараларим ишонмайди. Ҳозирги мактаблар биз учун орзу эди, ўғлим. Шукроналар бўлсинки, орзуларимиз амалга ошди, биз орзу қилган мактабларда невараларимиз ўқияпти.

Қишлоқнинг равон кўчалари, обод маҳаллалари бўйлаб айлансангиз, ўзингизни гўё шинам шаҳарчада юргандай ҳис қиласиз. Кўришган ҳар қайси фуқаро, у каттами ё кичик, хуш кайфият, очиқ чеҳра билан сўзлайди. Тилида шукроналик, юз-кўзларида ҳаётдан, турмушларидан мамнунлик ифодалари барқ уриб турибди.

— Бу йилнинг юртимизда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши бизга, қишлоқда яшаётганларга жуда маъқул бўлди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Шавкат Ражабалиев. — Шу муносабат билан 4,3 километр узунликдаги табиий газ, 3,6 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари янгиланиб, 368 квадрат метр ҳажмдаги янги уй-жойлар, 295 квадрат метр маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилмоқда.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Котиб айтмаган бўлса-да, шу куни биз қишлоқда истиқомат қилаётган 149 нафар кам таъминланган оилалар, 19 нафар боқувчисини йўқотганлар, 2 нафар етим ва 54 нафар ногиронларнинг ҳар қайсиси ҳамқишлоқлари томонидан оталиққа олинганликлари, улар моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлаб турилганлигини билиб олдик.

— Қишлоқдошларимдан бир умр миннатдорман, — дейди биринчи гуруҳ ногирони Руслан Нишонов. — Тақдир эканда, ногирон бўлиб қолдим. Катта-ю кичик ҳамқишлоқларим беминнат ёрдам қўлини чўзишди. Синов даврида оғиримни енгил, мушкулимни осон қилаётган қўни-қўшниларим, маҳалла-кўй, қишлоқдошларим омон бўлишсин!

Айни кунларда бир замонлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди, дея таърифланган Мирзачўл ерларини боғу бўстонларга, серҳосил далаларга, обод масканларга айлантирган қишлоқ аҳли кузги-қишки деҳқончилик тадбирларини оби-тобида амалга ошириш ниятида астойдил меҳнат қилишмоқда. Улар ҳар дақиқа олтинга тенг дамларнинг қадрига етиб яшаяптилар. Бундай ҳаракат, меҳнату машаққатларнинг эртага ҳар бир хонадонга қут-барака, қишлоққа файзу фаровонлик олиб келишига шубҳа йўқ.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлгач, уларга қўшимча моддий манба яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан 2004 йил 21 декабрда қабул қилинган «Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қарорига асосан, Сиз жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий равишда иштирок этаётган бўлсангиз, пенсия ҳисобварақларидаги жамғармангизни янада ошириш имкониятига эга бўлишингиз мумкин.

Бунинг учун Сиз жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ихтиёрий равишда аъзо бўлишингиз ёки қўшимча тарзда ихтиёрий равишда маблағ киритишингиз лозим.

Давлат-тижорат Халқ банки 2009 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳар чоракда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими ихтиёрий иштирокчиларининг ҳисобварақлари бўйича ютуқлар тиражини ўтказишни жорий этди.

Биринчи ютуқлар тиражи 2009 йил 6 ноябрда Тошкент шаҳри Сирғали туманида бўлиб ўтади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА МАБЛАҒЛАРНИНГ САҚЛАНИШИ ВА ТЎЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН.



Мурожаат учун тел: 273-60-23.

Хизматлар лицензияланган.

Лиц №25. 25.01.2003.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани БТИси томонидан Абдушарипов Азамат Рўзиметович номига берилган Норходжаева кўчаси, 6- уй, 2-хонадонига тегишли уй плани ва дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-08-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
8230 nusxada bosildi
r — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 22.15
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda